

БИРЖА ЛИСТИНГИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

(“ЎЗРТХБ” АЖ Бошқарув йиғилишининг 2019 йил 30 сентябрдаги № 172 – сонли
йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган).

Тошкент – 2019 йил

Мазкур Биржа листингини ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, Биржа савдоси Қоидалари ва биржанинг бошқа меъёрий ҳужжатларига мувофиқ «ЎзРТХБ» АЖда (кейинги ўринларда – биржа) товарларни биржа савдоларига қўйишга рухсат бериш, уларни биржанинг котировкалаш (нархлаш) варағига киритиш, шунингдек ушбу товарларни биржанинг котировкалаш (нархлаш) варағидан чиқариш жараёнини ташкиллаштириш ва ўтказишнинг асосий талабларини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Тартибда қуйидаги атама ва тушунчалардан фойдаланилган:

листинг – биржа товарларини биржанинг котировкалаш варағига киритиш орқали уларни биржа савдоларига қўйиш учун рухсат бериш тартиби;

делистинг – ариза берувчи ёки биржа қарори асосида ариза берувчи томонидан листинг қоидалари талабларининг бажарилмаслиги оқибатида товарларни биржанинг котировкалаш варағидан чиқариш тартиби;

релистинг – товар биржа листингидан чиқарилганидан сўнг уни қайтадан биржа листингига киритиш тартиби;

биржа товари – дастлабки кўздан кечиришни талаб қилмайдиган, сифат кўрсаткичлари ўзгармаслиги ва биржа битимлари мунтазам равишда тузилиши билан тавсифланадиган биржа савдоларига қўйилган белгиланган тур ва сифатдаги товар;

биржа котировка варағи – биржа савдоларига рухсат этилган биржа товарларининг рўйхати;

биржа савдолари иштирокчиси – ўрнатилган тартибда Биржада аккредитациядан ўтган ва биржа Бошқаруви томонидан қўйилган талабларга мувофиқ белгиланган тест синовларидан ўтган, Биржа савдоси қоидаларига мувофиқ биржа товарларига буюртма бериш ва битимни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахс ва унинг вакили;

ариза берувчи (ишлаб чиқарувчи, товар эгаси) – биржа аъзоси (сотувчи)нинг миждози, товарларни биржа котировка варағига киритиш ташаббускори бўлган шахс;

Листинг комиссияси – товарларни биржанинг котировкалаш варағига киритиш (листинг), аввал киритилган товарларни биржанинг котировкалаш варағидан чиқариш (делистинг) жараёнларини амалга оширувчи биржанинг доимий фаолият кўрсатувчи органи.

II. Биржанинг котировкалаш варағига киритиладиган товарларга қўйиладиган талаблар

2. Биржанинг котировкалаш варағига киритиладиган товарлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

товар савдога улгуржи партияларда қўйилади;

товар ликвидлигини баҳолаш;

ўзгармас сифат кўрсаткичларига эга бўлган, белгиланган сифат ва турдаги товар;

товар савдога мунтазам равишда (мурожаатлар доимийлиги) қўйиб борилади ва сотилади;

белгиланган партиядagi товар мавжуд бўлмаганда, бошқа партиядagi товар билан алмаштириш мумкин;

товарни савдога қўйиш вақтида уларнинг олдиндан кўздан кечириш талаб қилинмайди.

3. Ер, ер ости бойликлари, сув, бошқа табиий ресурслар, маданий мерос ва интеллектуал мулк объектлари, иш ва хизматлар, шахсий белгили ашёлар, кўчмас мулк, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ фуқаролик муомаласидан чиқарилган мол-мулк биржа товари бўлиши мумкин эмас.

III. Товарларни биржа савдоларига қўйиш тартиби

4. Товарларни биржанинг котировкалаш варағига киритиш (листинг) жараёнини биржанинг Листинг комиссияси (кейинги ўринларда – комиссия) амалга оширади.

5. Комиссия фаолияти биржанинг Листинг комиссияси тўғрисидаги Низом билан тартибга солинади.

6. Ўзбекистон Республикаси резиденти томонидан ички бозор ёки валюта майдончасида шартнома очишда листинг ўтказиш учун қуйидагилар асос ҳисобланади:

1-сонли иловага мувофиқ шаклда комиссия манзилига тақдим этилган, ариза берувчининг раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган ариза;

товарнинг қонун ҳужжатларида белгиланган сифат талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (агар товар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ мажбурий сертификацияланиши керак бўлса, мувофиқлик сертификати ва бошқа ҳужжатлар);

декларацияланган товар сотиб олинган ҳолатларда товарни жўнатиш фактини тасдиқловчи ҳужжатлар, (ҳисоб-фактура, юк ҳужжати, темир йўл юк ҳужжатлари нусхалари);

товарлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилган ҳолларда товарни божхона расмийлаштирувидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (ГТД);

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга мувофиқ равишда товарлар ариза берган шахс номига тегишли эканлиги ва учинчи шахсларга юкланмаслигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

ариза берувчида товар мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (омбор маълумотномаси).

7. Ўзбекистон Республикаси норезиденти томонидан импорт шартномасини очишда листинг ўтказиш учун қуйидагилар асос ҳисобланади:

1-сонли иловага мувофиқ шаклда комиссия манзилига тақдим этилган, ариза берувчининг раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган ариза;

сотувчи томонидан имзоланган сотувга қўйилган товарга эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи кафолат хати;

товарларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган сифат талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда – бошқа ҳужжатлар.

8. Ариза берувчи маҳсулотни биржанинг котировкалаш варағига киритиш тўғрисидаги аризани шахсий кабинет воситасида Листинг комиссиясининг модули орқали тақдим этади.

Агар қонун ҳужжатлари ёки шартномада бошқа нарса назарда тутилмаган бўлса, тақдим этилган, қабул қилинган ва сақланган электрон ҳужжатлар ва электрон хабарларнинг ишончлилиги, шунингдек уларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги бўйича жавобгарлик ариза берувчи зиммасига юклатилади.

9. Товарлар унинг ҳужжатлари биржа товарларига қўйилган талаблар бўйича экспертизадан ўтказилганидан ва комиссия томонидан савдога қўйиш ҳамда биржанинг котировкалаш варағига киритиш ҳақидаги қарори қабул қилинганидан кейин листингдан ўтган ҳисобланади.

10. Товарни биржа савдосига қўйиш ҳақидаги қарор комиссия модулида онлайн овоз бериш орқали қабул қилинади, унинг натижаларига кўра электрон модулда 2-сонли иловага мувофиқ шаклдаги такрорланмас идентификация коди бериладиган намунавий биржа контрактининг спецификацияси шакллантирилади.

11. Ариза берувчи томонидан комиссияга тақдим этилган товарларни биржанинг котировкалаш варағига киритиш ҳақидаги аризаси 5 иш куни давомида кўриб чиқилади.

Товарни биржа савдоларига қўйиш ва уни биржанинг котировкалаш варағига киритиш ҳақидаги қарор қабул қилинганидан сўнг бир иш куни давомида белгиланган тартибда контракт очилади.

IV. Товарларни биржа котировкалаш варағидан чиқариш

12. Товарларни биржанинг котировкалаш варағидан чиқариш (делистинг) биржанинг Листинг комиссияси томонидан қўйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

сотувчининг юридик шахс сифатида тугатилиши;

сотувчи томонидан тегишли миқдордаги товарларни доимий равишда савдога қўйиш мажбуриятига амал қилмаслик;

товарга уч ой мобайнида талаб бўлмаса ва ушбу товар бўйича битимлар тузиш доимий бўлмаса;

сотувчининг товарни биржанинг котировкалаш варағидан чиқариш ҳақидаги аризаси асосида.

13. Биржа товари сотувчисининг аризасига кўра Листинг комиссияси товарни олдинги идентификация коди билан биржа савдосига қайтариш (релистинг) ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

14. Сотувчининг товарни биржанинг котировкалаш варағига такроран киритиш (релистинг) тўғрисидаги аризаси комиссия томонидан делистинг қўлланилган вақтдан бошлаб бир ой вақт давомида кўриб чиқилади.

V. Намунавий биржа контрактини шакллантириш

15. Листинг натижалари бўйича Листинг комиссияси модулида намунавий биржа контрактининг спецификацияси шакллантирилади.

16. Намунавий биржа контракти спецификацияси сотувчи билан келишган ҳолда ушбу турдаги товарни сотишнинг хусусиятларини белгиловчи алоҳида шартларни ўз ичига олиши мумкин.

17. Биржанинг котировкалаш варағи биржа савдолари муомаласига киритилган намунавий биржа контрактлари кўринишида шакллантирилади.

18. Биржанинг котировкалаш варағига киритилган ўзгартиришлар ҳақидаги маълумотлар биржанинг сайтида чоп этилади.

19. Мазкур тартиб тасдиқланган кунидан бошлаб 5 иш кунидан кейин кучга киради.

АРИЗА

Ўзбекистон Республикаси товар – хом ашё биржаси котировкалаш варағига
_____ ни киритиш ҳақида.

(товар номи)

(«Ариза берувчи») номидан _____,
_____ асосида ҳаракат қилувчи, _____
товарни «ЎзРТХБ» АЖ котировкалаш варағига киритишни сўрайди.

Товар ҳақидаги маълумотлар:

1. Товарнинг тўлиқ номи _____
2. Ўлчов бирлиги _____
3. ТИФ ТК коди _____
4. Лот _____
5. Бошланғич нархи _____
6. Ишлаб чиқарувчи мамлакат _____
7. Товар жойлашган жой _____
8. Товарни етказиб бериш шартлари _____
9. Товарни етказиб бериш муддати _____
10. Ҳафта давомида савдога қўйиш
давомийлиги _____
11. Ой давомида савдога қўйишнинг
ўртача ҳажми (тн.\лист\кг\дона) _____
12. Гаров ва кафолатлар (%) _____
13. Ўрам шакли _____
14. Битим валютаси _____
15. Контракт тури _____
(ички/экспорт/импорт)
16. Алоҳида шартлар _____
17. Сотувчининг брокерлик офиси _____
рақами

Аризани Биржага тақдим этиш учун масъул бўлган ходим:

Ф.И.О. _____

Алоқа учун телефонлар (факс): _____

Электрон почта манзили: _____

Ариза берувчининг имзоси _____/ _____/

М.Ў.

_____ -сонли биржа контрактининг спецификацияси

№	Спецификация	Спецификация шартлари
1.	Биржа томонидан берилган контракт рақами (коди)	
2.	Товарнинг халқаро коди ТИФ ТК	
3.	Товарнинг тўлиқ номи	
4.	Ўлчов бирлиги	
5.	Битта контрактдаги лот (товарнинг ўлчов бирлигидаги миқдори)	
6.	Битим валютаси	
7.	Бошланғич нархи	
8.	Товар жойлашган жой	
9.	Контракт тури	
10.	Тўлов шакли	
11.	Ўтказиб бериш шартлари	
12.	Ўтказиб бериш муддати	
13.	Тўлов муддати	
14.	Гаров ва кафолатлар	
15.	Ишлаб чиқарувчи мамлакат	
16.	Ўров ҳақида маълумот	
17.	Алоҳида шартлар	